

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИНING
УЗОҚ ВА ЎРТА МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ ЭШИТДИМ –
КЎРДИМ – БАЖАРДИМ” ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ
СТРАТЕГИЯСИ**

ЧИРЧИҚ- 2022

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ГЕОГРАФИЯ
КАФЕДРАСИНИНИНГ УЗОҚ ВА ЎРТА МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ” СТРАТЕГИЯСИ**
**Умумий қондалар, “Педагогик таълим инновацион кластери” стратегияси амалга
оширишнинг зарурияти ва мақсадларини асослаш**

Ушбу стратегия педагогика соҳасига иқтисодий моделларни татбиқ қилиш натижасида самарадорликка эришишни назарда тутди. Педагогик таълим кластери тизимга инновацион ёндашув сифатида глобаллашув шароитида унинг рақобатбардошлигини оширишга, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, таълим сифатини оширишга, ўзаро ахборот ва инновациялар алмашинувини жадаллаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 27-июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон ва 2020-йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарорлари, 2022-йил 11-майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон Фармони ҳамда 2022-йил 21-июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-289-сон қарорига мувофиқ педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4 босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибида мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўтишини ташкил этиш белгиланган. Ушбу фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида “Педагогик таълим инновацион кластери” стратегияси жуда муҳим ҳисобланади. Яъни таълим муассасаларидаги тизимли ёндашувни амалга ошириш учун педагогик таълим инновацион кластери субъектлари орасидаги интеграцияни йўлга қўйиш орқали таълим муассасаларидаги ютуқ ва камчиликларни топиш. Улардаги янгиликларни эътироф этиш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамда география фани ва таълимининг ҳозирги аҳволи, ривожланиш муаммолари ва истиқболлари, сўнгги йилларда хорижда ва юртимизда олиб борилаётган географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва улардан кутилаётган натижаларни амалиётга жорий этишда, таълим муассасаларида дарс сифатини яхшилаш мақсадида география дарсларини янада қизиқарли ташкил этиш бўйича таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари билан фикр-мулоҳазалар алмашишда, бўлажак география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиларини тайёрлашда кўпроқ нимага аҳамият бериш

кераклигини тўлақонли англашда педагогик таълим инновацион кластери катта амалий аҳамиятга эга.

Университетда “Педагогик таълим инновацион кластери” стратегияси амалга оширишнинг истикболли Стратегик режаси

Стратегик режанинг тавсифи

ЧДПУ нинг миссияси: Ҳозирги глобаллашув даврида ёшлар тафаккурини шакллантириш ва дунёкарашини кенгайтиришда география фанининг ўрни ва аҳамиятини юксалтириш

ЧДПУ нинг стратегик мақсади: Халқ таълими ҳамда олий таълим муассасалари учун замонавий ёндашувлар ва илғор таълим технологиялари асосида чуқур билимли, касбий компетентли, креатив фикрловчи, юксак педагогик маҳоратга эга география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш.

ЧДПУ нинг истикболли нигоҳи: Кафедранинг илмий салоҳиятини география ва уни ўқитиш методикаси бўйича илмий тадқиқотларни самарали олиб борадиган илмий мактабларни ташкил этиш орқали ошириш, география таълими нуфузини юксалтиришдаги ўрнини олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари учун замон талаблари даражасидаги ўқув адабиётлари ва инновацион педагогик технологияларни яратиш ва жорий этиш орқали мустаҳкамлаш.

ЧДПУ нинг шиори: “Географияни билиш, дунёни билиш демакдир”

ЧДПУ нинг узок ва ўрта муддатли стратегик режасининг ўрта муддатга мўлжалланган асосий йўналишлари:

- “Педагогик таълимнинг инновацион кластери” орқали ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш;
- Кафедра илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини тизимли йўлга қўйиш;
- Кафедра профессор-ўқитувчилари касбий малакаларини ошириш мақсадида хорижий олий таълим муассасаларига ҳамда маҳаллий малака ошириш институтларига стажировкага юбориш;
- Кафедрада ўқитиладиган фанларнинг янги авлод адабиётларни замонавий талабалар асосида тайёрлаш ва нашр этиш;
- Кафедра маънавий-маърифий фаолиятини ривожлантириб бориш асосида талабаларни қўллаб-қувватлаш.

ЧДПУ нинг узок ва ўрта муддатли стратегик режасининг биринчи босқичида (ўрта муддат 2022-2025 йй) маркетинг йўналишлари

Мақсадга қаратилган йўналиш

Халқ таълими ҳамда олий таълим муассасалари учун юксак билимли, касбий компетентли, креатив фикрловчи педагогик кадрларни замонавий ёндашувлар ва илғор таълим технологиялари асосида тайёрлаш.

кафедрада маҳаллий кадрлар буюртмачилари ҳамда Халқаро талабларга асосланган сифатли ва самарали таълим муҳитини яратиш орқали бўлажак биология фани ўқитувчиларида замонавий ва ҳаётий билим ҳамда касбий кўникмаларни шакллантириш

Ҳамкорликка қаратилган йўналиш

Хорижий олий таълим муассасалри профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликда замонавий таълабларга жавоб бера оладиган янги авлод адабиётларини тайёрлаш ва нашр

этиш ҳамда бакалавр ва магистратура талабаларини умумтаълим мактаблари, илмий-тадқиқот институтларига малакавий амалиёт ва стажировкаларга юбориш.

ЧДПУ нинг узок ва ўрта муддатли стратегик режасининг асосий тавсифлари

а) *Илгор илмий тадқиқотлар.* Кафедрада “География фанида тизимли ёндашув: назария, эксперимент, амалиёт ва таълим”, “Мелиоратив ландшафтшуносликнинг ўзгариш динамикаси”, “Ўзбекистон ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш”, “Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари”, “География таълимини замонавий ёндошувлар ва илгор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш методикаси” бўйича мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тадқиқотларни йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш.

б) *Инновацион экотизимни яратиш.* Кафедра қошида ташкил этилган замонавий география майдончасида талабаларнинг амалий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида янги ўқув жиҳозлари ва кўргазмали воситаларни такомиллаштириш.

в) *Педагогик таълим инновацион кластери шароитида янги таълим.* Умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида 2-4 курсларда “4+2” тартибида малакавий амалиётни ташкил этиш, бу орқали бўлажак география фани ўқитувчиларининг амалий-касбий кўникмаларини шакллантириш ва педагогик маҳоратини ошириш.

г) *Юқори малакали ходимлар.* Кафедра қошида 11.00.01.-Табиий география ва 11.00.02.-Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликлари бўйича таянч докторантурани очиш ва уларга ёш профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ҳамда номзодлик ишларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш орқали кафедра салоҳиятини кўтариш.

д) *Ахборот инфратузилмаси.* Университетнинг расмий сайтига кафедра ва кафедра қошидаги йўналиш ҳамда мутахассисликлари ҳақидаги маълумотларни бойитиб бориш, ўқув жараёнидаги расмий “Hemis.cspi.uz” сайтига фанлар баъзасини ва ресурсларни доимий янгилаб бориш орқали такомиллаштириш.

е) *Иқтисодий ва молиявий модел.*

Стратегик ташаббуслар

СТ-1. География ўқитиш методикаси соҳасини янада ривожлантириш.

1-вазифа. Кафедра профессор-ўқитувчилари география ўқитиш методикаси ҳамда бўлажак география ўқитувчиларига таянч ва фанга оид компетенцияларни ривожлантириш мақсадида география таълимига оид тадқиқотларни олиб бориб, натижалари асосида PhD илмий даражасини олиш.

2-вазифа. География ўқитиш методикаси соҳасида замонавий талаблар асосида янги авлод адабиётларини ҳамда монографияларни тайёрлаш ва нашр этиш.

3-вазифа. Талабалар орасидан география таълими соҳасига қизиқувчиларни аниқлаб олиб, уларни кафедра-профессор ўқитувчиларига бириктириш ҳамда магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилиш

СТ-2. Ўқув хоналарни ва замонавий географик майдончани янги жиҳозлар билан бойитиш;

1-вазифа. География кафедраси қошида фан соҳаларидан келиб чиқиб, “Геология хонаси”, “Табиий география хонаси”, “Иқтисодий-ижтимоий география хонаси” каби ўқув аудиторияларни ташкил этиш.

2-вазифа. Ўқув хоналаридаги дарслар сифатини янада ошириш мақсадида проектор, кузатув камералари билан жиҳозлаш.

3-вазифа. Кафедра қошида ташиқил этилган замонавий географик майдончани такомиллаштириш мақсадида янгича жиҳозлар ва кўргазмали материаллар билан бойитиш.

СТ-3. Кафедра қошида Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш;

1-вазифа. Анжуман ўтказиш бўйича ташаббусни тасдиқлатиш учун мавзуси ва ўтказиш зарурлигини юзасида асосснома ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасида 2025 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига киритиш.

2-вазифа. Анжуман дастури, йўналишлари ва ташиқилий қўмитасини таркибини тузиш ҳамда тасдиқлатиш.

3-вазифа. Анжуманда хориж ва республикамиздаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари ҳамда кадрлар буюртмачи ташиқилотлари иштирокини таъминлаш учун уларга расмий таклифномалар юбориш ҳамда анжуманни ўтказиш учун юқори савияда тайёргарлик кўриш ҳамда ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

1. Ташкилий-бошқарув фаолияти

- 1.1. Кафедра кенгашини ойда икки бор ташкил этиш
- 1.2. Кафедра стратегик режасини ишлаб чиқиш
- 1.3. Кафедранинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш
- 1.4. Манфаатдор томонлар, раҳбарият, ходимлар, кадрлар истеъмолчилари, талабаларнинг ваколатлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш
- 1.5. Бандликка бўлган эҳтиёж мониторингини ўрганиш механизмини ишлаб чиқиш
- 1.6. Кафедра фаолияти тўғрисидаги маълумотларни расмий сайтга жойлаштириш ва янгилаб бориш

2. Таълим дастурлари ва таълим сифати

- 2.1. Таълим дастурларининг тегишли манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқиш
- 2.2. Таълим дастурларини такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқиш
- 2.3. Таълим сифатини ички таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш
- 2.4. Ўқув меъёрий ҳужжатларни жаҳон стандартларига мослаштириш
- 2.5. Талабалар ўқиш бошланишидан олдин зарур маълумотлар билан танишиш имкониятини яратиш
- 2.6. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш
- 2.7. Талабаларнинг таълим ташкилотлари ўз-ўзини баҳолаш жараёнида иштирокини таъминлаш
- 2.8. НЕМИС тизимини кафедра ўқув жараёнига тўлиқ йўлга қўйиш
- 2.9. Халқаро илми-техникавий маълумотлар базаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш
- 2.10. Электрон таълим хизматларини йўлга қўйиш
- 2.11. Таълим ташкилоти фаолиятида шаффофликни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш
- 2.12. Академик ҳалоллик тамойиллари ва қадриятлари бўйича манфаатдор томонларни қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш учун тақдим этиладиган механизмлар ва хизматлар яратиш.
- 2.13. Амалиётларни ўтказиш, назорат қилиш ва баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш

3. Инсон ресурслари

- 3.1. Кадрлар сиёсати ва улар фаолиятининг самарадорлигини (КПИ) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш
- 3.2. Малака ошириш тизимини такомиллаштириш
- 3.3. Профессор-ўқитувчилар ўқитадиган фанларни уларнинг мутахассислигига мувофиқлаштириш.
- 3.4. Илғор хорижий ОТМ ва илмий марказлар профессор-ўқитувчиларини ўқув жараёнига жалб этиш
- 3.5. Кафедра профессор-ўқитувчиларини мунтазам равишда ҳожижий ОТМ лари ва илмий-тадқиқот марказларига малака ошириш ва стажировкаларга юбориш орқали тажрибасини ошириш.

4. Илмий-тадқиқот ишлари

- 4.1. Муассасанинг вазифа ва стратегик мақсадларига илмий-тадқиқот фаолиятни мослаштириш
- 4.2. Илмий-тадқиқот фаолиятида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш
- 4.3. Илмий-тадқиқот фаолияти ва унинг натижаларини мунтазам мониторинг ҳамда таҳлилини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш
- 4.4. Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш механизмини ишлаб чиқиш
- 4.5. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-методик ва амалий конференцияларнинг хорижий мутахассислар иширокида ўтказиш

5. Талабаларни қўллаб-қувватлаш

- 5.1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш
- 5.2. Талабалар ўртасида олиб борилган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлиги, ҳуқуқбузарликлар, жиноят ва шу кабиларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш
- 5.3. Ходимлар ва талабалар учун соғлом маънавий муҳитни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш
- 5.4. Талабаларга маслаҳат ёки ёрдам бериш бўйича ишларни ташкил этиш
- 5.5. Талабаларнинг таълим хизматларидан қониқиш ва бу ҳақда уларнинг фикр-мулоҳазаларини тизимли мониторинг қилиб бориш (сўровнома ёки бошқ. йўллар билан)
- 5.6. Талабаларнинг эҳтиёжлари ва талабаларига кўра таълим олиш учун ресурс ва шарт-шароитларнинг ҳамда касбий, бадий, спорт ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш имконияларини яратиш
- 5.7. Талабаларнинг илмий фаоллигини ошириш
- 5.8. Талабаларни нуфузли танловларда иштирокини ошириш

6. Моддий-техник таъминот

- 6.1. Таълим ташкилотининг бино ва жиҳозлари ўқув, илмий, касбий фаолиятга бўлган эҳтиёжларни, ўқишга қабул қилинган талабалар сонини ҳисобга олган ҳолда етарли даражада эканлиги ўрганиш
- 6.2. Ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) таълим дастурларига мос ўқув-адабиётлар, компьютерлар билан таъминланганлиги, заллардаги ўринлар сони, электрон кутубхона тизимининг яратилганлигини мониторинг қилиш.
- 6.3. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган талабаларнинг инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштириш, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратиш.

7. Таълим ташкилотининг ҳудуд ва республиканинг ривожланишига қўшаётган хиссаси

- 7.1. Минтақавий ва миллий ривожланишда таълим ташкилотини ролини ошириш механизмини ишлаб чиқиш.
- 7.2. Иш берувчилар билан доимий алоқларни (офлайн ва онлайн) йўлга қўйиш

